Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

**к договору (контракту) от 20.06.2022 г. № 77**

**между ООО "ЖАЙХУН ЖОЛ ЖОЙБАР" и Коракалпогистон Республикаси худудий автомобиль йуллари Бош бошкармаси на общую сумму 56700000,00**

Глава 118

Казначейский лицевой счёт 304510860354017045152118001

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4239000 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | 56 700 000,00 | | | 56 700 000,00 |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **56 700 000,00** | | | **56 700 000,00** |

Всего 56700000,00 сум

Пятьдесят шесть миллионов семьсот тысяч 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы подлежат предоплате в _________ мес. 20__ г. сум или 30,00%*** от общей суммы договора

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ Алламберганов Мадад Бекбергенович

(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ Палекеев Зарипбай Жумабаевич

(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________

(подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика ____________

(подпись)

«___» ________________20___г.

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун**
**77-сонли ШАРТНОМА**

**Нукус ш.** **20 июн 2022 йил**

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари ҳудудий Бош бошқармаси номидан Устав асосида иш юритувчи бошлиғи М.Б.Алламбергенов орқали ва бундан буён “Бажарувчи” деб юритиладиган “ЖайхунЖолЖойбар” МЧЖ номидан ишончнома асосида иш кўрадиган бош мухандис С.Каипов орқали қуйидаги шартномани тuздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Буюртмачи **шартноманинг 2-иловасидаги “Умуфойдаланишдаги давлат ахамиятидаги автомобил йулларига жорий таъмирлаш”** учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишни топширади, Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Ишларнинг бошланиш вақти 20 июн 2022 йил.
Ишларни тугатиш вақти 30 июн 2022 йил.

**2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари**

2.1. Ишларни амалга оширишнинг шартнома бахоси танлов далолатномасига ва 2022-йилги тасдиқланган манзилий дастурга асосан ҚҚС билан **56 700 000 (эллик олти миллион етти юз минг) сўм**ни ташкил қилади.

2.2 Буюртмачи шартномани Ғазначилик рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 5 (ўн) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30 % микдорида аванс тўловини амалга оширади

2.3. Ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ёки ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

**3. Томонлар мажбуриятлари**

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчига тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан аванс тўловлари ўз вақтида ўтқазилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва тугаллаш муддати ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган қўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги ҳисоб-рақамларидан инкассо талабномаси қўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

**4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасиини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## 5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Хар бир обьект учун техник топшириқ Буюртмачи томонидан алохида ишлаб чиқилади ҳамда Бажарувчига топширилади.

7.3. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.4. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.5. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.6. Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига ва Бажарувчининг объект бўйича бажарган ишларига нисбатан қўлланилади.

7.7. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент шаҳар Хўжалик судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан холларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

7.8. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечиктирилган хар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.9. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.10. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳақли.

7.11. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ белгиланади.

7.12. Шартноманинг тугаш муддати 31-декабрь 2022йил.

7.13. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома бахосини келишув баённомаси (1- илова)
- Смета хужжатларини аниқлаш қайдномаси ва бажариш календар режаси (2- илова)

7.14. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.15. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

**8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари**

**«БУЮРТМАЧИ»**

Қорақалпоғистон Республикаси
автомобиль йўллари ҳудудий Бош бошқармаси
манзил: Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй
Тел/факс: (8361) 222-29-00, факс (8361) 222-28-65
ИНН 200 349 889, ОКЭД:71120
Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Ғазначилиги
МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри
х/р: 23 402 000 300 100 001 010
ш.х/р: 30451088035401704515218001
МФО:00014, ИНН:201 122 919

Начальник ______________ М.Б.Алламбергенов

**«БАЖАРУВЧИ»**

"JAYXUN JOL JOYBAR" МЧЖ
Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус ш. А.Досназаров 64-уй 1-хона
Х/р: 2021 8000 7043 6121 5001
КК отд Нац банк г. Нукус
МФО 00582 ИНН 205254933
ОКОНХ: 66000
ОКЭД: 71120

Бош мухандис ______________ С. Каипов

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI AJABB
HUQUQ MA'SLA'HA'TSHISI
Ж.Х. Якупов

**2022 йил 20 июндаги**
**77-сонли шартномага 1-илова**

**Шартнома баҳосини келишуви**
**Б А Ё Н Н О М А С И**

Биз куйида имзо куйувчилар, **шартноманинг 2-иловасидаги “Умуфойдаланишдаги давлат ахамиятидаги автомобил йулларига жорий таъмирлаш”** учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тугрисида 2022 йил 20 июндаги 77-шартнома бахосини ҚҚС билан **56 700 000 (эллик олти миллион етти юз минг) сўм**га тенг деб келишилганини тасдиклаймиз. Ушбу Баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

Баённомадаги келишилган нарх очиқ ҳисобланиб, қўшимча ишлар пайдо бўлганда ва объектнинг аниқ нархи чиққанда қўшимча шартнома тузилади.

**«БУЮРТМАЧИ»**

Қорақалпоғистон Республикаси
автомобиль йўллари ҳудудий Бош бошқармаси
манзил: Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй
Тел/факс: (8361) 222-29-00, факс (8361) 222-28-65
ИНН 200 349 889, ОКЭД:71120
Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Ғазначилиги
МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри
х/р: 23 402 000 300 100 001 010
ш.х/р: 30451088035401704515211800l
МФО:00014, ИНН:201 122 919

Начальник ______________ М.Б.Алламбергенов

**«БАЖАРУВЧИ»**

"JAYXUN JOL JOYBAR" МЧЖ
Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус ш. А.Досназаров 64-уй 1-хона
Х/р: 2021 8000 7043 6121 5001
КК отд Нац банк г. Нукус
МФО 00582 ИНН 205254933
ОКОНХ: 66000
ОКЭД: 71120

Бош мухандис ______________ С. Каипов

2022 йил 20 июндаги 77-шартномага 2-илова

**Смета хужжатларини бажариш календар режаси**

I. **Иш тури:** *Қорақолпоғистон Республикаси Давлат аҳамиятдаги автомобиль йўлларининг жорий таъмирлаш ишлари учун смета хужжатларини ишлаб чикиш*

II. **Буюртмачи:** *Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари ҳудудий Бош бошқармаси.*

III. **Бажарувчи:** *"Жайхун Жол Жойбар" Маъсулият Чекланган Жамияти.*

| № | Объектлар номи ва манзили | Бажариш муддати |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 2 | 4Р-1716 "Турткул шахрига кирувчи йул" автомобиль йулининг 0-9 км кисмини жорий таъмирлаш | 2022й июнь |
| 3 | 4Р-182 "Кизилкалъа-Бустон-Гулдирсин-Турткул" автомобиль йулининг 53-66 км кисмини жорий таъмирлаш | |
| 4 | 4Р-182 "А380 а/йули (662км)дан-Кизилкалъа-Бустон-Гулдурсун-Турткул" автомобиль йулининг 0-53 км кисмини жорий таъмирлаш | |
| 5 | 4р161 "Ургенч -Чалиш -Беруний - Бустон" автомобиль йулининг 35-44 км кисмини жорий таъмирлаш | |
| 6 | 4Р-175 "Нукус шахри Акмангит пос-Кегейли пос-Чимбай шахри Козокдарё аули" автомобиль йулининг 15-25 км кисмини жорий таъмирлаш | |
| | **ЖАМИ** | |

Қайднома бўйича жами: **ҚҚС билан 56 700 000 (эллик олти миллион етти юз минг) сўм.**

**Лойихачи:**

**Бюртмачи томонидан келишилди:**